

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ
ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 821.512.133

ДУЙСЕНБАЕВ ОЛИМЖОН ИСМАИЛОВИЧ

ЎТКИР ҲОШИМОВ ИЖОДИДА ОНА ОБРАЗИ

10.01.01 – Ўзбек адабиёти

**Филология фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2011

Диссертация ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти XX аср адабиёти бўлимида бажарилган.

Илмий раҳбар:	ЎзР ФА академиги, филология фанлари доктори, профессор Назаров Бахтиёр Аминович
Расмий оппонентлар:	филология фанлари доктори, профессор Расулов Абдуғафур Раҳимович филология фанлари номзоди, доцент Ҳамдамов Улуғбек Абдувахҳобович
Етакчи ташкилот:	Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси 2011 йил «_____» _____ куни соат _____ да Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги Д. 015.04.01 рақамли фан доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияларни ҳимоя қилиш бўйича Ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади.

Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси. 9-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин.

Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 13-уй.

Автореферат 2011 йил _____ ойининг _____ кунида тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби в.б.,
филология фанлари доктори

Р.ИБРОҲИМОВА

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик туфайли ўзбек халқи тарихида, тақдирида янги босқич бошланди. Эл-юрт миллий кадриятларни эъзозлаган ва ривожлантирган ҳолда умумбашарий мезонлар асосида яшай бошлади.

Бадиий адабиётда тасвирлангувчи инсон қалби ва онгида рўй бераётган эврилиш, ўзгаришларнинг сир-синоатларини, сабаб-оқибатларини, уларнинг жамият равақи, замондош камолотидаги ўрнини, бинобарин, шуларни юзага чиқарувчи ёзувчи маҳоратини зуғумли сиёсат ва мафкура эмас, умумбашарий, инсонпарвар мезонлар, миллий кадриятлар асосида, бадиий ижодиётнинг ички қонуниятларига асосланиб ўрганиш, тадқиқ этиш лозимлиги бугунги адабиётшунослик олдига янги-янги вазифалар қўйди. Аввалги босқичларда яратилган асарларни ҳам Истиқлол ғоялари билан чамбарчас алоқадорликда ўрганиш адабиётшуносликнинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолди.

Она сиймоси дунёдаги барча халқлар учун муқаддас ва мўътабардир. Уларни бирлаштириб турувчи муштарак фазилатлар бисёр, албатта. Лекин, айна вақтда, ҳар бир халққа, миллатга мансуб она сиймоси ўз феъл-атвори, табиати, ички ва ташқи дунёси, ҳатто, портрети билан муайян даражада фарқланиб туради. Она бутун бир халқ, бутун бир миллатнинг ўзига хослиги, шаклланиши, намоён бўлишида алоҳида ўрин тутувчи сиймодир ва айна вақтда, ҳар бир инсон каби жамият, муҳит, шароитнинг вакили сифатида ўзига хос бир индивидуумдир. «Одамнинг қалбида қандай олижаноб туйғулар мавжуд бўлса, уларнинг барчаси аввало онадандир»¹.

Шу маънода, ўзбек халқига мансуб она сиймосининг бадиий адабиётда тасвирланишини, бу тасвирдаги ўзига хосликларни ўрганиш, бу образни бадиий ёритишдаги ёзувчи услуби ва маҳоратини таҳлил этиш – бир жиҳатдан, характер яратилишига кўра бадиий адабиётимизнинг миллий фазилатларини очишда ва иккинчи жиҳатдан, ўзбек халқидаги миллийликни кўрсатишда ўзига хос аҳамиятга эгадир. Мазкур ишда Она сиймосига унинг ижтимоий, ёхуд тарбиявий моҳиятигина эмас, балки, асосан, бадиий асарда образ сифатида яратилишини ўрганиш нуқтаи назаридан ёндошилади.

Ўзбек адабиётида она образининг гўзал ва бетакрор намуналарини яратган ёзувчилардан бири Ўткир Ҳошимовдир. Адиб асарларида Она образи шу қадар мустаҳкам ва муҳим ўрин тутадиги, уларсиз ҳатто ёзувчининг яхлит ижодини тасаввур қилиш қийин. Ўткир Ҳошимов маҳоратининг кўпдан-кўп қирралари кўпинча бевосита мана шу образнинг яратилиши ва ёритилишидаги муваффақият билан туташиб кетади. У ёки бу асардаги жозиба, асар миллийлигини белгиловчи фазилатлар нури ҳам,

¹ Каримов И.А. Ватан ва халқ мангу қолади. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2010. – Б. 136.

моҳиятан ана шу образга алоқадор бўлган зиёдан ўсиб чиқади. Демак, Ўткир Ҳошимов ижодидаги Она образини ўрганиш адиб маҳоратини белгиловчи етакчи омиллардан бирини ўрганишдир.

Шундай экан, Она образи тадрижини тадқиқ этиш; муаллиф ижодий ниятларининг бадиий тажассумини, образлар тизими ҳамда миллий қадриятлар, миллий руҳиятлар, миллий қиёфалар талқинини яхлитликда очиқ бериш; бир ижодкор сиймосидаги муайян бир муаммо талқини орқали ўзбек адабиётининг айрим миллий ўзига хосликларини кўрсатиш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ёзувчининг бадиий образ яратиш маҳорати масалалари адабиётшуносликда атрофлича ўрганилган ва бу борада И.Султонов, Ҳ.Ёқубов, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, Н.Каримов, С.Мирвалиев, Б.Назаров, У.Норматов, А.Расулов ва бошқалар қатор тадқиқотлар яратган бўлсада, мазкур муаммо шу вақтгача Она образи яратилиши нуқтаи назаридан махсус тадқиқ этилмаган. Бу борада адиб асарлари юзасидан айрим мақолалар², китоблар³, тадқиқотларда⁴ айтилган баъзи фикрлар мавжуд. Айрим диссертацияларда умуман характер яратиш хусусидаги фикрларгина берилган. Бироқ мазкур ишларнинг ҳеч бирида Она образи ва унинг тақомили Ўткир Ҳошимов ижоди мисолида махсус ўрганилмаган.

Маълумки, шўро даврида М.Горькийнинг «Она» романидаги она образи ҳақида кўпдан-кўп ишлар ёзилган. Бироқ уларнинг деярли барчасида мафкуравий-ижтимоий руҳ устувор, лекин улар ҳозир илмий аҳамиятини йўқотган. Она образининг прозада ўрганилишига бағишланган махсус илмий тадқиқотга бошқа жумхуриятлар адабиётшунослигида ҳам дуч келмадик.

Ў.Ҳошимов ижодида Она образининг яратилишидаги эвристиклар, тадриж ва тақомил муаммолари мазкур тадқиқотда илк бор монографик тарзда ўрганилмоқда.

² Қўшжонов М. Онага таъзим // Қишлоқ ҳақиқати. – Тошкент, 1982. - 20 март.; Мамажонов С. Она – табиат ихтироси // Совет Ўзбекистони. – Тошкент, 1982. - 16 май.; Шарафиддинов О. Она // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1985. - 5 март.; Мирвалиев С. Она ҳақида кўшиқ // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1982. - 3 март.; Норматов У. Тақдирлар романи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1985. - 27 ноябрь.; Шукуров Н. Дунёнинг ишлари // Гулистон. – Тошкент, 1982. - №3. – Б.16.; Султонова М. Оила ва ёзувчи позицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1980. - №5. – Б.32.; Иноғомов Р. Халқ ҳаётининг ёрқин тасвири // Қишлоқ ҳақиқати. – Тошкент, 1986. - 14 январь.; Расулов А. Роман – эхтирослар ва ҳақиқатлар дунёси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. Тошкент, - 1996. -15 октябрь.; Абдуллаев О. Нотаниш оролга саёҳат // Гулистон. – Тошкент, 1991. - №3. - Б. 22.

³ Расулов А. Ў.Ҳошимов. «Ўзбекистон ёшлари мукофоти лауреатлари» китоби. – Тошкент: Университет, 1977.; Расулов А. Танқидчилик уфқлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985.; Расулов А. Янги замон, янги қаҳрамон. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978.; Расулов А. Ардоқли адиб. – Тошкент: Шарқ, 2001.; Султонова М. Ёзувчи услубига доир. – Тошкент: Фан, 1973.; Каримов Ҳ. Ў.Ҳошимов. – Тошкент: Маънавият, 1998.

⁴ Каримов Ҳ. Ҳозирги ўзбек насрида ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепцияси: Филол. фанлари доктори ... дисс. – Тошкент, 1994. – 368 б.; Жўраев Т. Онг оқими ва тасвирийлик: Филол. фанлари номзоди ... дис. – Тошкент: 1994. – 139 б.; Имомова Г.М. Типик миллий характер яратишда бадиий нутқнинг роли: Филол. фанлари номзоди... дисс.– Тошкент: 1994. – 134 б.; Имомкаримова М. Ў.Ҳошимов асарларида миллий қадриятлар талқини: Филол. фанлари номзоди... дис. – Тошкент: 2004. – 152 б.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти «XX аср адабиёти» бўлимининг тадқиқот режалари доирасида амалга оширилди.

Тадқиқот мақсади: Ишда кўзда тутилган асосий мақсад Ў.Ҳошимов асарларида Она образининг яратилишидаги ўзига хосликларини ўрганиш, шу масалаларга дахлдор адибнинг адабий-эстетик ва образ яратиш масаласига доир назарий принципларини таҳлил этиш, умумлаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Юқоридаги мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш лозим бўлади:

- Ў.Ҳошимов ижодидаги Она тимсолида миллатга хос етакчи фазилатларнинг бадиий тажассум топишини аниқлаш;
- адиб ижодидаги Она образининг бадиий эврилиши, тадрижи ва тақомилини кўрсатиш;
- қаҳрамон характерини яратишдаги ёзувчи услуби ва Она образини яратишда адиб маҳоратини кўрсатиш;
- Ўткир Ҳошимов яратган Она образларидаги автобиографик ҳаётийлик ва бадиий тўқима яхлитлигини кўрсатиш;
- образ ва жанр алоқадорлигидаги ёзувчи имкониятларини очиш;
- асар миллийлигини таъминлашда Она образининг ўрнини кўрсатиш;
- нутқ типлари ва бадиий тилнинг характер моҳиятида тутган ўрнини кўрсатиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. «Икки эшик ораси», «Тушда кечган умрлар» романлари, «Дунёнинг ишлари» қиссаси, қатор ҳикоялар, публицистик мақолалар ва қисман «Инсон садоқати» драмаси тадқиқот объекти вазифасини бажарди. Ўткир Ҳошимов маҳоратини намоён этувчи контекст, услуб ҳамда бадиий-эстетик принциплар диссертацион ишнинг предмети ташкил этади.

Тадқиқотнинг методологик асоси ва методлари. Ишга И.А.Каримовнинг ижтимоий фанлар тараққиёти ва бадиий адабиёт ривожига доир қарашлари методологик асос қилиб олинди. Аристотель, Гегель, Хосе Ортего-и-Гассет, В.Г.Белинский, Э.Фромм, А.Ф.Лосев, Я.Парандовский, А.К.Дремов, М.Я.Поляков, М.Б.Храпченко каби мутафаккир ва олимларнинг фалсафа, мантиқ, адабиёт назарияси ҳамда эстетикага доир асарларида акс этган қарашлари назарий асос вазифасини бажарди. Шунингдек, ишда насрий асарларда бадиий образ яратиш маҳоратини тадқиқ этган М. Қўшжонов, И.Султонов, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, Н.Каримов, Б.Назаров, У.Норматов, А.Расулов, Д.Қурононов, Б.Каримов сингари адабиётшуносларнинг илмий мулоҳазаларига таянилди. Тадқиқотда қиёсий-типологик ва тарихий-қиёсий усуллардан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

1. Она образи бадий талқинидаги миллий ўзига хосликлар;
2. Инсоннинг гўдакликдан бошлаб бутун умр давомида Она ҳақидаги таассуроти реал тушунчагина бўлиб қолмай, маълум маънода, бадийлашган тасаввур эканлиги;
3. Адибнинг Она образи руҳиятини очишдаги маҳорати, характер яратишдаги индивидуаллиги;
4. Она сиймосини яратишдаги бадий тадриж;
5. Она тимсоли талқинида лирик ифода ва эпик кўлам уйғунлиги;
6. Образ ва миллийликнинг бадий макон ва замон жиҳатдан ўзаро алоқадорлиги;
7. Жанр талабларининг образ миқёсларига кўрсатувчи таъсири.

Ишнинг илмий янгилиги. Ўткир Ҳошимов ижоди турли йўналишларда маълум маънода ўрганилган бўлса-да, ишнинг илмий янгилиги Она образининг бадий эврилиши, тадрижи ва такомиллиги, шунга алоқадор равишда ёзувчи маҳорати, адиб ижодининг миллий ўзига хослиги жиҳатидан мазкур муаммонинг илк бор монографик тарзда, мустақиллик даври эстетик-назарий қарашлари асосида ўрганиладиганлиги билан белгиланади.

Ишда қуйидаги масалалар ёритилади:

- Она образи Ўткир Ҳошимов ижодида алоҳида бир «қатлам», алоҳида бир миқёс, алоҳида бир концептуал марказ эканини кўрсатиш;
- асарда, баъзан, кўзга кўринмас муаллиф образи шаклланишида тасвирланаётган Она сиймосига муносабатдаги бадий-фалсафий-миллий уйғунликнинг муҳим ўрин тутишини аниқлаш;
- Она моҳиятига кўра ижобийгина эмас, муқаддас эканидан қатъий назар, бадий асарда у барча қаҳрамонлар каби – индивидуум, алоҳида шахс сифатида бадий тасвирланишини ва шу тасвирдаги ўзига хослик, услуб, маҳоратни очиш. Шунга кўра, Она образи яратилишида катта ютуқлар қатори жиддий муваффақиятсизлик ҳам бўлиши мумкин;
- бошқа типдаги қаҳрамонлар қатори Она образи тасвирида ҳам муайян хронотопга алоқадор равишдаги эврилиш, тадриж, такомиллиги белгиланган;
- узоқ бўлмаган ўтмишда айрим ғарб «олим»лари томонидан: шарқда аёллар оёқ ости қилинган, деган фикрларнинг ғирт уйдирма, ноҳолис бўлганини Ўткир Ҳошимов асарларида тасвирланган Она образининг таҳлили орқали тасдиқлаш;
- инсон фазилятлари борасида идеалнинг реал асослари ҳаётдаги аниқ оналар қиёфасида тажассум топишини очиш.

XX асрнинг 60-йилларига келиб жамиятда янгиланишга кучли эҳтиёж сезилди. Бу янгиланиш бадий адабиётда акс-садо бермай қолмади, албатта. Ёки, янада аниқроқ айтганда, бадий адабиёт ана шу эҳтиёжнинг уйғонишига туртки берди, сабабчи бўлди. Хусусан, шеърятда ҳам, насрда

ҳам қисқа фурсат мобайнида инсон руҳияти талқини биринчи ўринга кўтарила бошлади. Мазкур хусусият воқеликни бадиий тадқиқ этишининг янги тамойилларини юзага чиқарди. Ҳаётга танқидий ёндашув ўқтин-ўқтин ижодий анъанага айланаёзди. Эътиборлиси шуки, бу хусусият адабиётга янги кириб келаётган навқирон авлоднинг пешқадам вакиллари ижодида, айниқса, бўртиб кўринади. Ўткир Ҳошимов ана шундай ёзувчилардан бири эди. У дастлабки асарлари биланоқ наинки китобхонлар, балки таниқли адибларнинг ҳам эътиборини тортди. Бунинг сабаби адиб услуби ва тилидаги табиийлик, самимийлик, равлонлиқдир. Ўзбек халқининг дунё тамаддунида ўзига хос ўрин тутишида Ўткир Ҳошимов асарларида маҳорат билан акс эттирилган. Оналарга ўхшаш сиймоларнинг ўрни бениҳоядир, деган, бутун иш давомида илгари сурилган гоё тадқиқотнинг илмий янгилигига маълум маънода дахлдор.

Ўткир Ҳошимов томонидан санъаткорона яратилган Она образи бугунги ўзбек адабиётининг халқаро миқёсларга чиқа олишида муайян омил бўлишини тасдиқлаш ушбу тадқиқотнинг илмий янгилигини кўрсата олувчи сифатларидан биридир.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Миллийлик ва ёзувчи маҳорати муаммоларининг, наинки, ўзбек адабиёти мисолида, балки қардош халқлар адабиётини ҳам шу муаммолар асосида фундаментал ўрганишда, миллий адабиёт тарихини ёритишда тадқиқот назарий хулосаларидан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, ҳозирги адабий жараёни, унинг тараққиёт тамойилларини, индивидуал услуб ва маҳорат муаммоларини ўзлаштиришда, олий ўқув юрти ҳамда ўрта махсус таълим тизими талабалари учун маърузаларда, махсус курс ва семинарлар ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларидан Қорақалпоқ давлат университети талабалари учун 2008-2011 йилларда ўқилган маърузаларда фойдаланилди. Ёллон қилинган мақолалардан маънавият масалаларини ўрганиш ва тарғиб этишда, адабий жараён муаммоларини ўрганишда, ёзувчи маҳорати муаммоларининг талаба ва аспирантлар томонидан ўзлаштирилишида фойдаланиш мумкин.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация мавзуи ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти Илмий кенгашида тасдиқланган. Иш ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Адабиёт назарияси ва адабий алоқалар, XX аср адабиёти ва Ҳозирги адабий жараён бўлимларининг қўшма йиғилиши (6-сонли баённома, 2010 йил 22 декабрь) ҳамда шу институт ҳузуридаги Д.015.04.11 рақамли Ихтисослашган кенгаш қошидаги Илмий семинарда (8-сонли баённома, 2011 йил 27 апрель) муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсияга этилган. Диссертация мавзуси бўйича Республика илмий-назарий (Навоий, 2007) ва ёш тадқиқотчиларнинг илмий анжуманларида (Тошкент, 2009) маърузалар қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни ва натижалари «СамДУ Ахборотномаси», «Ўзбек тили ва адабиёти», «Тил ва адабиёт таълими», «Қорақалпоқ ДУ ахборотномаси», «Филологические науки. Вопросы теории и практики» (Россия), «Gyncel sanat. Kьltьr Sanat Edebeyat Dergisi» (Туркия) каби журналларда, «Қорақалпоқ адабиёти» газетасида, шунингдек, «Филологик тадқиқотлар», «Изланиш» каби тўпламлардаги мақолалар ҳамда илмий-назарий анжуманлар учун тайёрланган маърузалар, жами 13 та мақолада ўз ифодасини топган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, уч асосий боб, олти фасл, умумий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 144 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти асосланиб, мавзунинг ўрганилиш даражаси, тадқиқотнинг объекти, илмий методи, ишнинг жорийланиши, тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Ишнинг биринчи боби **“Характер ва миллийлик”** деб номланади. Бобнинг **“Она характери яратишда лирик ифода ва эпик кўлам уйғунлиги”** номли биринчи фаслида Ўткир Хошимов «Чўл ҳавоси» қиссасини яратгандан сўнг, келажакда маҳоратли адиб бўлиши башорат қилинганлиги, хусусан, А.Қаҳҳорнинг самимий тилаклари билан йўлланган мактубида ёзувчи келажакка катта ишонч руҳи акс этганлиги ҳақида маълумот берилади. Мазкур асар қаҳрамон хатларидан ташкил топган. Гарчанд ғоявий мундарижада социалистик реализм сезилиб турсада, қисса шаклий изланишлар йўлидаги дастлабки қадам бўлиб, ижодкор услуби шаклланишида муҳим ўрин тутди. Кейинчалик бадиий шакл билан фалсафий уйғунлик адиб ижодий манерасининг етакчи хусусияти даражасига кўтарилади. Она образини яратишда босқичма-босқич босиб ўтилган “Дунёнинг ишлари” қиссаси, “Ўзбеклар”, “Урушнинг сўнгги қурбони” ҳикоялари, йирик полотнодан ташкил топган “Икки эшик ораси” романидаги қатор оналар образи ва уларнинг миллий характери яратишдаги лирик ифода ва эпик кўлам уйғунлигининг етакчи услубий йўналиш тариқасида шаклланиши мазкур фаслда атрофлича тадқиқ этилган.

«Одам овози» ҳикоясида она қиёфаси асосий планга чиқади. Матбуотда жиддий баҳс-мунозараларга сабаб бўлган бу асар бир қарашда, социалистик реализм методига таяниб ёзилгандек таассурот қолдирсада, унда ҳукмрон мафкура қолипларига тўғри келмайдиган жиҳатлар оз эмас. Адабиётшунос олима М.Султонова ёзади: «Мастура холанинг (ҳикоя қаҳрамони -Д.О.) ёлғиз қолишга фақат ўзи айбдор. Ахир Европа адабиётида ёлғизлик фожияси катта социал фожия сифатида талқин қилинаётган бир

паллада бизда ёлғизлик тушунчасининг нисбий эканлиги, бундай фожиалар чиқиб келиши мумкин эмаслигини қаттиқроқ таъкидлаш ҳам мумкин эди»⁵. Олима фикрларида ижтимоий давр таъсиридаги мафкуравий талаб яққол кўзга ташланиб турибди. Чунки советлар жамиятида “инсон ўзини мутлақо ёлғиз ҳис этмайди! Чунки советлар жамияти коллектив жамият” – деган идея ҳукмрон эди. 1972 йилда яратилган «Урушнинг сўнгги қурбони» ҳикояси лирик ифода ва эпик кўлам муштараклигини ёрқин акс эттиради. Ҳикоя иккинчи жаҳон урушининг инсоният тақдирига, жумладан, миллат психологиясига кўрсатган таъсирини акс эттиради. Асосий қаҳрамон – Умри холанинг икки ўғли бор. Каттаси – Шоикром ўз оиласи билан алоҳида яшайди. Кичик ўғил Шонемат дардга чалинган. Табиб унга қўй сути буюрган, лекин Она ўз фарзандига сут олиб беришга қодир эмас. Асар давомида кузатиладиган тушкун кайфият устуворлиги аламзада ўғилнинг қарори ёрдамида фожиавий нуктага кўтарилади. Шу ўринда Умри хола ва Шоикром хатти-ҳаракатларидаги ўхшашлик китобхонни ажаблантирмайди. Она ўғрилиқ қилиш катта гуноҳ эканини ўйлаб кўрмаганидек, фарзанд ҳам бировнинг жонига қасд қилиш салбий иллат эканини тушунишни истамайди. Асосий айбдор – уруш ва унинг салбий асоратларидир. Шу ўринда француз мутафаккири Д.Дидронинг «характер типик шароит билан белгиланади»⁶, - деганида нақадар ҳақ эканлиги ойдинлашади. Дарвоқе, типик манзара жамият маънавий мезонларига зидлик қасб этса улкан фожиалар келтириб чиқаради. Шу тарзда ижодкорнинг уруш ва унинг оқибатларига руҳий муносабати шаклланади. Муаллиф асар тўқималарига ёйилиб кетган фожиавий руҳни юқори босимда тутиб туради. Айниқса, Она қиёфасини шакллантиришда ёзувчи лиризм оқимини бир қадар кучайтиради. Сентиментал кайфият куюқлиги лирик ифоданинг устуворлигини бўрттиради.

Матнда лирик ифода ва эпик майдон қоришиб кетиши фақат туйғу ва онг ўрин алмашинувлари билан изоҳланмайди. Дарҳақиқат, лирик ибтидо ва эпик кўлам ўртасидаги узвий робита асарнинг бадиий мантиғидан келиб чиқади.

Ёзувчининг ҳикояларидан кейинги қиссалари, романлар унга шуҳрат келтирди. Секин-аста унинг аксар асарларида Она образига жиддий равишда эътибор берилаётганлиги сезиладиган бўлди. Гап бу ўринда мазкур образга қанча ҳажм ажратилишида эмас, ҳажмдан қатъий назар асардан асарга Она образининг моҳиятидаги салмоқ чуқурлашиб, теранлашиб бораётганида, бу образга адибнинг турли ракурслар орқали ёндашаётганида эди.

Ўткир Ҳошимов ижодида “Дунёнинг ишлари” қиссаси адибнинг она образини яратишдаги кульминацион нуктаси бўлди, дейиш мумкин. Зеро, мазкур қисса ўзбек китобхонлари ва адабиётшуносларигина эмас, хориж

⁵ Султонова М. Оила ва ёзувчи позицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1980. -№5. – Б. 35.

⁶ Дидро Д. Избранные произведения. – Москва: ГИХЛ, 1951. –С. 206.

китобшинавандалари қалбини ҳам забт этди. Устоз адиб Саид Аҳмад “Ижод ва жасорат” мақоласида қисса ҳақида шундай эътироф этди: “Дунёнинг ишлари” асарини қисса эмас, дoston деб аташни истардим. У кўшиқдай ўқилади. Уни ўқиб туриб, ўз оналаримизни ўйлаб кетамиз. Шу мушфиқ, шу жафокаш оналаримиз олдидаги бир умр узиб бўлмас қарзларимизнинг ақалли биттасини уза олдикми, деган бир андиша, бир савол кўз олдимизда кўндаланг туриб олади”⁷. Адабиётшунос А.Расулов шундай деб ёзади: “Дунёнинг ишлари” поэтикасини алоҳида синчковлик билан ўрганиш зарур. Асарда ёзувчи маҳорати, топқирлиги, қисса жанри табиатига киритган янгилиги, энг кичик персонаж моҳиятини ҳам бир туртки, бир имо, ҳаракат билан очиб юборганлиги аниқ кўринади. Бир қарасангиз, “Дунёнинг ишлари” сентементал асардай туюлади. Аслида, унда ҳис-туйғу сероб-у, аммо зинҳор сентементал асар эмас”⁸. Мазкур қиссанинг ижобий, гуманизм тарғиботчиси сифатидаги ҳислат ва фазилатлари ҳақида адабиётшунос олимларимиздан М.Қўшжонов, О.Шарафиддиновлар алоҳида тақриз ва мақолалар эълон қилишди. Қисса композициясига эътибор берсак, асар муаллиф таъкидлаганидек, ҳажм жиҳатдан хилма-хил, катта, кичик, ўртача шаклдаги мустақил, жами 33 ҳикоядан ташкил топган. Адиб асарга ёзган муқаддимасида шундай дейди: “Бу қисса катта-кичик новеллалардан иборат. Бироқ уларнинг барчасида мен учун азиз одам – Онам сиймоси бор. Бундаги одамларнинг ҳаммасини ўз кўзим билан кўрганман. Фақат баъзиларининг исми ўзгарди, холос. Бу одамларнинг қисмати ҳам қайсидир жиҳати билан Онамга боғланган”⁹. Демак, бу қисса яратилиш услуби жиҳатидан Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртақлар”, Назир Сафаровнинг “Наврўз” автобиографик характердаги асарларига ўхшаб кетади. Қиссада адибнинг онаси Пошшо хола образига ҳаётӣ асос бўлиб, унинг атрофига чамаси 20 га яқин оналар образи боғланади. Лекин барча воқеалар ва оналар сиймоси Пошша хола образи билан бир нуқтада кесишади.

Бобнинг **“Миллий анъана ва образлараро бадий психологик синтез”** номли иккинчи фаслида адиб ижодида миллий анъана ва қадриятлар талқини ҳамда образлараро ижтимоий-руҳий маънодошлик ҳақида фикр юритилади.

Адиб асарларида ўзбек халқининг қадимий анъана, урф-одатлари, қадриятлари тасвири энг кичик ҳикоядан тортиб, катта полотнодаги роман, қиссаларининг вужуд-вужудида кўриниш бериб туради. Қаҳрамон хатти-ҳаракатлари, дунёқараши, воқеликка муносабатида, хатто энг кичик бадий тасвирларда ҳам ўзбекнинг минг йиллар давомида удумга айлантирган миллий анъаналари акс этади. Жумладан, ёзувчининг қатор асарларида тўй ва аза маросимлари ўзининг изчил бадий ифодасини топган: ўзбекнинг

⁷ Саид А. Ижод ва жасорат / Ҳошимов Ў. Танланган асарлар. 2 жилдлик. –Тошкент: Шарқ, 2009. 1-жилд. –Б. 10.

⁸ Расулов А. Ардоқли адиб. –Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 87.

⁹ Ҳошимов Ў. Танланган асарлар. 2 жилдлик. –Тошкент: Шарқ, 2009. 2-жилд. – Б. 5.

миллий тўй, аза маросими билан боғлиқ тасвирлар “Дунёнинг ишлари”, “Икки эшик ораси”, “Тушда кечган умрлар”, “Ўзбеклар” ва ҳ.к. асарларида батафсил учрайди.

“Икки эшик ораси” асарида тўй маросими билан боғлиқ тафсилотларга кенг ўрин ажратилган. Асрлар давомида шаклланган миллий анъана уч қаҳрамон томонидан изоҳланади. Болакайнинг содда, жозибали талқини, Робиянинг руҳий таҳлил теранлиги сақланган баёни ва Қора амманинг тўй ташвишларига йўналтирилган кечинмалари маросимни турфа нуқталардан ёритиш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, характер қирраларини ойдинлаштириш, миллий урф-одатларнинг халқ ҳаётидаги салмоғини кузатишга ёрдам беради. Нутқ типлари воситасида китобхон Музаффарнинг болаларча соддалиги ва тиниқ самимияти, Робиянинг руҳий баркамоллиги, Қора аммага хос меҳр-оқибат ришталари билан танишади. Бир тафсилотнинг уч талқини асар сюжетини боғлаб турувчи чизик тарзида аниқ тасаввурлар уйғотади.

Адабиётшунос У.Норматов “Тақдирлар романи” сўнгсўзида асардаги оналар образига алоҳида тўхталиб шундай эътироф этади: “Урушда бедарак кетган ёлғиз фарзанди доғида ўртанса-да, ўз дардини ичига ютиб нуқул ўзгалар ғами, ороми, бахтини ўйлайдиган “Қора амма”, ўша оғир йилларда трактор миниб, ёшларни ўз ёнига эл-юрт мушкулотини осон қилган, уруш қурбони бўлган эри саломатлиги, кўнгли деб ўз оромидан воз кечган Башоратхон, ипакдай майин-мулойим, ўзгаларга меҳрибон, кўли гул чевар, доно аёл кўқонлик Ойсара опа – бу хил фидойи онажонлар романга зеб бериб турибди”¹⁰. Дарҳақиқат, олим таъкидлаганидек, романда уруш асорати туфайли жабрланган уч авлод вакиллариининг қалб қийноқлари, оғир қисмати, изтироби жуда таъсирчан ифодаланган. Асарда юзга яқин эркак ва аёллар образи иштирок этади. Хусусан, Қора амма, Робия, Фотима, Зухра, Холпош хола, Ойсара, Раъно, Башорат, Асира аёл, Лазакат хола, Маржа каби асосий ва персонаж оналар тимсоли яратилган. Адиб оналар образини яратар экан, уларни ташқи жиҳатдан миллий кийим-кечакларда, миллий ўзбекона бир қиёфада чизади: “Ҳовлидаги фонусларнинг нури ғира-шира ёритиб турган эшик олдида “Қора амма”ни кўриб қолдим. Қўлида боғичи ечилган қийиқча. Бошидан рўмоли сирғалиб елкасига тушган. Негадир титрайди. Оппоқ сочлари учидаги сўлкавой чўлпиларининг жиринглаши чилдирма шовқини, сурнай овозида эшитилмаса ҳам бири-бирига урилиб кетаётганини сездим”¹¹. Бу ҳикоя кичкинтой Музаффар тилидан баён этилади. Тўй маросими билан боғлиқ қиз боланинг уйига совчи келиши анъанаси “Икки эшик ораси” ва “Дунёнинг ишлари” асарларига махсус ҳикоялар киритилган.

Холпош хола “Икки эшик ораси” романи саҳифаларида доимо қарға шойи кўйлак кийиб юради: “Ичкаридан ҳарсиллаб-гурсиллаб Холпош хола

¹⁰ Ҳошимов Ў. Икки эшик ораси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – Б. 539.

¹¹ Ҳошимов Ў. Икки эшик ораси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – Б. 539. – Б. 106.

чикиб келди. Нима қилсаям Ориф оқсоқолнинг хотини-да! Ёши олтмишга бориб қолган бўлсаям, келинлардек ясаниб олибди. Эғнида қора атлас кўйлак. Бўйнида – дур. Қулоғида олтин балдоқ, чиройли, қайрилма қошига билинар-билинемас ўсма кўйган”¹². Она тасвиридаги қора атлас кўйлак, қайрилма қошдаги ўсма ўзбекнинг миллий анъанавий кийинишини ёдга солади. Маълумки, миллий урф-одатлар ва анъаналар халқ тийнати каби соддалиги, қабариклиги, ёрқинлиги ва устуворлиги билан ажралиб туради. Шу боисдан ҳам менталитетга хос етакчи хусусиятлар ўқувчи онгига тез етиб боради. Бу хусусият, бир томондан, тушунча, тасаввур ҳамда тафсилотларнинг қайта-қайта ишланганлиги – сайқал топганлиги билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан мотивизация замирида қайта ҳаётий тажрибалар, фалсафий умумлашмалар воситасида изоҳланади. Демак, Ў.Ҳошимов ўз ижодида шарқона мифо-поэтик қарашлардан фойдаланар экан, биринчи навбатда, ақиданинг умуминсоний моҳиятига эътиборни қаратади. Муаллиф томонидан танланган эпизодик лавҳалар, ривоят ва афсоналарда мазмун ижодкор фитратида қайта баҳоланади, эстетик қиймат касб этади. Айнан адиб роман ва қиссаларида лирик-фалсафий таҳлилнинг устуворлиги ишланганлик даражаси билан ўлчанади. Фикрий манзаравийликка мойилликда Ўткир Ҳошимов ижодида Чингиз Айтматов, Одил Ёкубов, Асқад Мухтор анъаналари таъсири сезилади. Адибнинг халқ оғзаки ижоди манбаларидан фойдаланишдаги ўзига хосликни лирик жўшқинлик ва мушоҳадакорлик омухталигида кўриш мумкин. Агар қирғиз ёзувчисида эпик кенглик интеллектуал-маърифий сарҳадлардан озиқланса, лирик босим Ў.Ҳошимов ижодини қувватлантиради.

«Ўзбеклар» ҳикоясида ўлим ва унинг бадиий талқини уч образ моҳиятини очиб беради. Бинобарин, миллий одат – Искандар Ваҳобовичнинг Отинойини сўнгги манзилга кузатиш жараёнида она-фарзанд-келин муносабатларининг маънавий таҳлили тадқиқ марказига кўтарилади. Маросим давомида Отинойининг нақадар бағрикенг инсон бўлганлиги, маънавий баркамоллиги аёнлашади. Айнан қаҳрамоннинг маҳалла дастурхончиси бўлганлиги, ирим-сирим, удумларни яхши билганлиги ундаги характер қирраларини мантиқан далиллайди. Асарда эпизодик ҳолатлар Она қиёфасини муайян даражада тавсифлайди. Бирок, йўл-йўлакай берилган штрихлар образ моҳиятини очиб бериш учун етарли эмас. Муаллиф қаҳрамон вафоти билан боғлиқ ҳаётий анъанага бир неча бадиий вазифани юклайди. Муаллиф Отинойи тимсолини характерли тафсиллар билан таърифлаб боради, китобхонни руҳий ҳолатга тайёрлайди.

Адабиётшунос А.Расулов адиб ижодий лабораториясини кузатар экан, шундай дейди: “Дунёнинг ишлари” бетакрор гўзал асар. Айни вақтда у “Икки эшик ораси” романининг ёзилишига тайёргарлик босқичи бўлди. “Икки эшик ораси”да “Дунёнинг ишлари”даги деярли барча қаҳрамон,

¹² Ҳошимов Ў. Икки эшик ораси. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – Б. 66.

персонажлар бор. Лекин улар романда бошқа йўналишда ҳаракат қиладилар янги ғоявий “юкни” ташийдилар”¹³. Дарҳақиқат, Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссасидаги кўплаб образ ва персонажлар навбатдаги бадиий мукамал, йирик полотнодаги асарлар учун ҳамиртуруш вазифасини ўтади. “Дунёнинг ишлари” қиссасидаги Ҳабиба буви образининг “Ўзбеклар” ҳикояси қаҳрамони Отинойи образи учун бадиий штрих, бадиий асос бўлган. Она образини мукамал даражада яратиш асардан асарга, жанрдан жанрга томон ўсиб борди. Адибнинг идеал ўзбек онаси Пошшо хола – Ҳабиба буви – Отинойи – Қора амма тимсолларида янада бадиий бўёқлар қуюқлашиб борди.

«Тушда кечган умрлар» романида эса муаллиф маросим жараёнини ўзгача микёсда суратлайди. Тўғрироғи, тўй тафсилотлари рус миллати вакили – Гриша томонидан шарҳланади. Қаҳрамоннинг киноявий, истехзоли нутқи табиий асосларга эга. Анъаналарнинг замонавий талқини ёш авлод онгига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир ўтказиши мумкин. Хусусан, наҳор оши, қиз базми сингари анъаналар бир томондан, ижтимоий қатламларни уюштиришга хизмат қилса, иккинчи томондан, ёшлар тарбиясига ақидапарастликни сингдириши мумкин. Буни яхши идрок этган Ў.Ҳошимов миллий анъаналарнинг гуманистик моҳиятини поэтик таҳлил марказига йўналтиради. Образ ва образлараро муносабатнинг маъносини тўлдирадиган, изоҳлайдиган ҳамда тартибга соладиган чизгилар халқ сажиясининг умумий қиёфасини гавдалантиради.

«Реал ва поэтик тарихий илғам» номли иккинчи боб икки фаслдан таркиб топган бўлиб, дастлабки фасл **“Эстетик идеал: бадиий макон ва замон микёслари”** деб номланади. Адабиётда макон ва замон муаммоси сюжетнинг асосий қисми ёки унсури сифатида ўрганилмайди. Асар воқеаларида муҳрланган макон ва замон руҳи сюжет воқеаларини ривожлантиради, жонлантиради, асарнинг пафосини янада оширади. Адабиётшунос Т.Бобоев бадиий макон ва замон муаммосини шундай таърифлайди: “Реалистик адабий асар сюжети занжири халқаларини ташкил этувчи воқеа-ҳодисалар муайян бир макон ва замонда юз бериши табиийдир. Бу ҳаёт ва адабиёт қонунидир...”

“Макон” – адабий асар воқеа-ҳодисалари содир бўладиган аниқ макон, жой (шаҳар, қишлоқ, водий каби); “замон” – асар воқеалари юз берадиган вақт – давр, тарихнинг бир бўлаги”¹⁴. Адабиётшунос У.Норматов “Икки эшик ораси” романидаги бадиий макон ва замон чегарасини қуйидаги фикрларида аниқ ва тиниқ ифодалайди: “Асар узоқ даврлик воқеаларни, кўплаб кишилар тақдири, ҳаёт йўлини, хилма-хил ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммоларни ўз ичига камраб олади. Роман воқеаларининг бир учи 30-йилларнинг бошларига, қишлоқлардаги коллективлаштириш даври ҳодисаларига бориб туташса, иккинчи учи 70-йилларнинг охирига келиб

¹³ Расулов А. Ардоқли адиб. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 98.

¹⁴ Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б. 133.

тақалади. Шундай бўлса-да, романнинг марказида уруш даври, уруш йилларидаги ўзбек қишлоғи ҳаёти, уруш ва инсон, урушнинг кишилар тақдирига кўрсатган чуқур таъсири, улар қисматида, зурриётида, дилида қолдирган жароҳатлари муаммоси туради»¹⁵. Ҳақиқатан ҳам романда, олим қайд этганидек, деярли ярим асрлик давр воқеалари қамраб олинган. Ватанимиз тарихига муҳрланган тарихий даврлар - коллективлаштириш, қатағон йиллари, уруш йиллари, сталинизм, стахоновчилик, Тошкентда юз берган 60-йиллардаги zilзила воқеалари, zilзиладан сўнгги шаҳардаги қайта қурилиш йиллари қамраб олинган.

Ў.Ҳошимов «Икки эшик ораси»да миллат турмуш тарзини уч тарихий ўлчамда (кеча-бугун-эртада) гавдалантиради. Бу вазият бир томондан, ўсиш-ўзгаришлар ҳажмини тўлиқ тасаввурга сиғдириш имконини берса, иккинчи томондан, индивидуал бадиий услубни аниқлаштиришга ёрдамлашади. Айни чоғда муаллиф биографик чизгиларни иккита (уруш даврининг ҳам фронт олди чизиклари, ҳам мамлакат ичкарасидаги ҳаёт) мантиқий жойлашувда беради. Қизиғи шундаки, икки тасвир бир-бирини тўлдиради, бойитади ҳамда асослайди. Ваҳоланки, ўзбек халқи учун фронт орқасидаги машаққатли меҳнат синов бўлганидек, урушдаги ирода ва матонат ҳам ўзига хос имтиҳондир.

Асарда фожиавий Оналар образидан бири, шубҳасиз, Башоратдир. “Дунёнинг ишлари” ва “Икки эшик ораси” асарларида эркакшода аёлларнинг бир нечтаси иштирок этади. Жумладан, Зеби (“Дунёнинг ишлари”), Башорат, Парча (“Икки эшик ораси”) образлари бўлиб, улар кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшаш. Адиб ижтимоий давр талаби туфайли эркак сингари ишлашга мажбур бўлган фожеавий аёллар қисматини очади. Башорат, Зеби, Робия, Зухралар трактор миниб, кечани кеча, кундузни кундуз демай далаларда тиним билмайди. Нозик елкаларига улкан масъулият олади, натижада Башорат шахсий ҳаётида жуда кўп йўқотишлар қилади. Фожеавий тақдирлар роман саҳифалари бўйлаб кенгайиб, бўртиб боради. “Икки эшик ораси” романи кенг планли, кенг тармоқли, кўповозли полифоник асар ҳисобланади.

Она аввало яратувчанлиги билан улуғланади, шарафланади. Зеро, адибнинг ўзи “Аёл” номли публицистик мақоласида Онанинг яратувчанлик қобилиятини курраи заминга қиёслаб ёзган образли фикрлари билан буни далиллайди: “Она меҳрини тўсадиган чегара йўқ. Эҳтимол алланинг қудрати мана шундадир. Эҳтимол аёлнинг қудрати мана шундадир. Эҳтимол, Она юрт, Она тили, Она-Ватан деган иборалар мана шундан келиб чиққандир. Эҳтимол, Она-Ер деган ибора шундан келиб чиққандир. Шунинг учун ҳам мен Ер куррасини аёлга ўхшатаман»¹⁶. Шу маънода Ў.Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” романини Оналар жасорати ҳақида

¹⁵ Норматов У. Тақдирлар романи / Ҳошимов. Ў. Икки эшик ораси. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. –Б. 537.

¹⁶ Ҳошимов Ў. Аёл / Оқ камалак. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984. – Б. 122.

ёзилган бетакрор асар дейиш мумкин. Албатта, бу баҳо романнинг битта қирраси ҳақида айтилмоқда. “Икки эшик ораси” романида, ҳатто, энг кичик эпизодик тасвирларда ҳам Онанинг фарзандига бўлган чексиз меҳри ва муҳаббати юқори пардаларда куйланади ва таъсирчан ҳикоя этилади. Адабиётшунос Б.Саримсоқов: “Шартлилик бадиийликнинг мезони сифатида асардаги бош ғояни тўлақонли ифодалашга хизмат қилади. Ҳақиқий бадиий асар кўп ғояли бўлади. Асардаги барча ғоялар, барча унсурлар ана шу бош ғоя атрофида марказлашиб, уни ёрқин ва тўлақонли ифодаланишига хизмат қиладилар”- дейди¹⁷. Олим эътироф этганидек, “Икки эшик ораси” романида ҳам бош ғоя урушдан жабрланган ўзбекнинг, уч авлоднинг фожиавий қисмати кенг планда очиқ беришдир. Аммо асардаги жуда кўплаб тақдирлар, маиший лавҳалар, психологик тасвирлар, қистирма ҳикоялар, эпизодик образлар барча-барчаси бош ғоя атрофида бирлашиб, жипслашган. Жумладан, асира аёл ҳикояси ҳам ана шундай бадиий мақсад йўлида киритилган. Қора амма образи билан ғамбода Она ҳайкали, Қора амма билан номаълум солдат монументал ҳайкалининг киритилиши ҳам асардаги бош ғояга жуда уйқаш келади. Бинобарин: “Генерал ҳайкаллардан бирининг боғичидан бирини тортган эди, бошига рўмол ташлаганча узоқ-узоқларга маъюс термилиб ўтирган Она пайдо бўлди. У катта-катта, сертомир қўлларини тиззасига қўйиб, бошини қуйи солиб ўтирар, кўзларида чексиз мунг... умид бор эди. Негадир вужудим сесканиб кетди. Ахир бу... аммам-ку. Қора амманинг ўзи-ку! Нўғайқўрғонга, уйига борганда худди шу алпозда ўтирганини кўрганман”¹⁸. Мазкур парча иккинчи курс талабаси Музаффар тилидан ҳикоя этилади. Мотамсаро Она ҳайкали аслида, рамзий маънода ўзбек Оналарининг тимсоли. Асар қаҳрамони Музаффар ғамбода Она ҳайкали билан Қора амма ўртасидаги ўхшашликларни жуда нозик ҳиссиёт билан илғайди. Бошини қуйи солиб, сертомир қўлларини тиззасига қўйиб, кўзларида мунг билан узоқларга тикилиб ўтирган Она ҳайкали аслида Қора амма тақдирига рамзий ишора беради. Қора амма ўғли Кимсани уруш тугаганига йигирма йилдан ошиб кетса ҳам кутаверади. Зеро, фарзанди доғида кутавериш адо бўлган онанинг руҳий ҳолатини шу бир кичик парчада ҳам кузатишимиз мумкин: “- Боле-м! – Қулоғимнинг тагида янграган фарёддан сесканиб кетдим. – Онанинг гўрига тушган боле-е-ем! – Аммам дадамнинг қўлидан юлқиниб чиқди-ю, каловланиб, йигит ҳайкалига талпинди. Югуриб бориб ҳайкални кучоқлади. – Онани доғда қолдириб кетган Кимсани-и-им! Жон болам. Жоним болам! – У ҳайкалнинг каскали бошидан кучоқлаб ўпа бошлади. Рўмоли сирғалиб тушиб, ҳайкалнинг автоматага илиниб қолди. Оппоқ сочлари тўзғиб кетди”¹⁹.

¹⁷ Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. –Тошкент: С. Аҳмедова, 2004. – Б. 112.

¹⁸ Ҳошимов. Ў. Икки эшик ораси. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – Б. 447.

¹⁹ Ҳошимов. Ў. Икки эшик ораси. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – Б. 448.

Ушбу бобнинг **«Жанр табиати ва образдаги эврилишлар»** номли иккинчи фаслида Ў.Ҳошимов ижодида она образи ҳикоя, қисса, роман драма, публицистик асарлари мисолида тадқиқ этилади. Хусусан, адиб изланишлари тақомилига назар ташланса, икки жиҳат ўзаро алоқадорлиги сезилади. Биринчидан, ёзувчи талқини марказида доимо Она сиймоси туради. Иккинчидан, мазкур характер асардан асарга теранлашиб, мураккаблашиб ҳамда мукаммаллашиб боради.

Адиб ижодида Она образига берилган дастлабки бадиий чизгилар 1966 йилда яратилган «Одамлар нима деркин» қиссасидан бошланди. Ушбу асарда характер эволюцияси иккинчи планга тушиб қолса-да, ижодий тажрибадан ўтаётган икки Она қиёфаси воқеалар тизимига ўз таъсирини ўтказди. Гарчанд, тукқан Она ва ўғай Она орасида конфликт келиб чиқмаса-да, муаллиф воқеаларни она-бола муносабатларига боғлиқ ҳолда ривожлантиради. Бундан кўринадики, Она ўғай бўлган тақдирда ҳам чин оналик меҳри унга бегона эмас, лекин, афсус, тукқан Онанинг ўрнини боса олмайди. Муаллиф бу ўринда Онани мураккаб ҳаёт ташвишларига бардош бера оладиган, оғир муаммоларни ечишга қодир маънавий идеал тарзида улуғлайди. Муаммонинг нисбатан кенгрок талқинига «Одам овози» ҳикоясида дуч келамиз. Асар қаҳрамони Мастура хола оддий ўзбек аёли. У мустаҳкам иймон, барқарор эътиқод эгаси. Персонаж ўзига хос турмуш тарзи, ҳаёт мазмуни садоқат, вафо ҳамда сабр-тоқат сингари содда, бироқ улуғвор тушунчаларни тараннум этишга хизмат қилади.

Она образи яратилишидаги навбатдаги босқич 1972 йилда ёзилган «Урушнинг сўнгги қурбони» ҳикоясига бориб тақалади. Аслида бу ҳикояни инсон руҳиятининг лирик инкишофи сифатида баҳолаш мумкин. Она тимсоли ҳар бир адиб изланишларига алоҳида бир меҳр, чинакам эҳтиром орқали кириб келади. Бу эҳтиром муаллифнинг ўзидаги фазилатлар билан туташади. Ў.Ҳошимов ижодидаги лейтмотив – она образи эканлиги бевосита муаллиф автобиографияси билан уйғунлашиб кетади. Бу ҳолат, биринчидан, тимсолнинг фалсафий жиҳатдан кенгайтишига ёрдам берса, иккинчидан, характер руҳиятининг батафсил ёритилишига замин ҳозирлайди.

«Ёзувчи услуби ва маҳорат» номли учинчи боб ҳам икки фаслдан иборат. Бобнинг **«Тасвир руҳияти ва композицион яхлитлик»** номли биринчи фаслида Она образини яратишдаги ёзувчи услуби ва маҳорати асар композициясининг тасвирдаги руҳият муаммолари билан алоқадорлиги масаласи тадқиқ этилади. Маълумки, тасвир руҳияти ижодкор фитратида бадиий концепция сифатида намоён бўлишининг аниқ-ҳиссий яхлитликда уюшадиган ифода хусусиятларини далолатлайди. Адабий талқин ҳамда ҳаёт ҳақиқати мувозанатини таъминлайдиган эстетик марказда тағмаёнога дахлдор омиллар тағматнинг ички ва ташқи мундарижасини белгилаб беради. Қадим юнон файласуфи Аристотель «ҳар бир жисмнинг ҳажми

унинг моҳияти билан белгиланади»²⁰, - дея эътироф этади. Муаллиф шакл ҳамда мазмун вобасталиги тизими – композиция ҳалқаси асосан маъно майдони ва формал даражанинг ўзаро мувофиқлашуви – эстетик марказда мантикий жойлашуви тартибини тўғри баҳолайди. Адабиётшунос Иззат Султон «Адабиёт назарияси» дарслигида «асарнинг турли қисмлари орасидаги мутаносиблик, компонентлараро нисбат»²¹ мавжуд бўлиши композиция шаклланишининг муҳим омили эканлигига эътибор қаратади. Бинобарин, ёзувчи нуқтаи назари, ҳаётий материалга ижодий муносабати, баён усули ўзига хослиги, бўлакларни эстетик марказга йиғиш ва ўрни-ўрнига жойлаштириш мазкур атаманинг мураккаб ва кенг қамровга эгаллигини мантиқан далиллайди.

Ў.Ҳошимов асарларининг ижтимоий-маънавий моҳияти ҳам ижодий-эстетик тамойилларга асосланади. Агар А.Қаҳҳор қаҳрамонлари курашчан сифатлар, кескин табиати билан ажралиб турса, Ў.Ҳошимов асарларида характер тадрижи типик манзараларга боғлиқ ҳолда ёритилади. Маълумки, ёзувчи муваффақияти унинг адабиётга олиб кирган қаҳрамонлари билан ўлчанади. Шу жиҳатдан олиб қараганда Гавҳар («Шамол эсаверади»), Муқаддам («Баҳор қайтмайди») образлари Ўткир Ҳошимовнинг ўзига хос муваффақиятларидир. Албатта, образ бирон бир муҳим ҳаётий маънога эга бўлса ва услубий-бадий қимматни таҳисагина адабиётимизни бойита олади. Дарҳақиқат, адиб ижоди маънавий-психологик талқин теранлиги, характер яратишнинг типик ва аниқлиги билан ажралиб туради. Ўз-ўзидан аёнки, ижодкорнинг ўзига хос услуби воқеликни бадий идрок этиш, бадий тафсилот ва тасвир воситаларидан фойдаланиш даражаси орқали намоён бўлади. Зеро, адабий дунёқарашнинг шаклланишини, бир томондан, ҳаётий нафосатнинг ҳиссий кўлами белгиласа, иккинчи томондан, фалсафий идрокнинг бадииятда намоён бўлиши белгилайди. Шу маънода, ҳар бир асар муаллиф нуқтаи назарининг умумлашган, аниқлашган ҳамда муайян тизимга солинган шамойили ҳисобланади. Ўткир Ҳошимов бадий олами бир қарашда ранг-баранг ва мураккабдек таассурот уйғотади. Бироқ, адиб қаҳрамонлари тадрижига назар солинса, улар орасида мантикий боғлиқлик мавжуд эканлиги кузатилади. Образ табиатини очиб беришга йўналтирилган бадий чизгилар асардан-асарга теранлашиб, мукаммаллашиб бориши сезилади. Тасвир ва ифодадаги синчковлик, характер тақомилидаги табиийлик нозик иқтидор эгасининг адабий маҳоратидан дарак беради. Юқорида Она тимсоли адибнинг «Урушнинг сўнгги қурбони» ҳикоясида илк бор тажрибадан ўтганини айтдик. Ў.Ҳошимов «Дунёнинг ишлари» қиссасида Она қиёфасининг жозибали, ҳаётий ва мукаммаллаштирилган шаклини яратди. Адибнинг аввалги ҳикоя ва қиссаларидан фарқли ўлароқ мазкур асарда Она тимсоли мустақил қаҳрамон – марказий чизиқни ташкил этади. Муаллиф «Дунёнинг

²⁰ Аристотель. Поэтика. – Москва: 1961. – С. 63.

²¹ Султон И. Адабиёт назарияси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 196.

ишлари»да ҳам ўз анъанасига содиқ қолади: образ табиатини ёритишда таъриф-тавсифлардан ўзини тияди, воқеалар тадрижини изчил давом эттирмайди. Миллий характер ўз моҳиятини баъзан нутқи, баъзан хатти-ҳаракатлари билан мантиқан далиллай боради. Бу ҳолат тафсиллар, лирик бўёқдорлик ҳамда фалсафий мушоҳадакорлик, публицистик жўшқинликнинг қоришиқ табиати орқали намоён бўлади. Айни асарда бадиий мантиқ уйғунлигининг кўзга ташланмаслиги хотиралар асосига қурилганлиги билан изоҳланади.

Ёзувчи маънавий-ахлоқий қиёфа қирраларини умумлаштиришни «Икки эшик ораси» ҳамда «Тушда кечган умрлар» романларида ҳам давом эттиради. Бу икки йирик полотно бир-биридан бадиий шакл ва услуб нуқтаи назаридан тафовутланса-да, ғоявий муносабат муштараклигига асосланади. «Икки эшик ораси» асари услубий жиҳатдан ўзбек адабиётида ўзига хос композицион яхлитликка эга. Қаҳрамонлар табиати ижтимоий табақа, феъл-атвор, қизиқиш ва манфаат нуқтаи назаридан бир-биридан фарқ қилса ҳам, қўйилган муаммо-муддао-мақсадга бўйсунishi жиҳатдан бир-бирига яқинлашиб келади. Тадқиқотчи Г.Мамарасулова “Икки эшик ораси” романининг композицион тузилишини математик аниқликда кузатар экан, шундай дейди: “... романнинг архитектоникаси ниҳоятда оригинал ва ўзига хос. “Муқаддима” ва “Хотима”дан ташқари 7 қисм, 47 бобдан ташкил топган бу асар худди 49 хонадан иборат 7 қаватли мухташам иморатга ўхшайди”²². Ҳақиқатан ҳам роман композицияси жуда мураккаб ва пишиқ тузилган. Роман марказида Оқсоқол, Ҳусан дума, Умар Закунчи, Шомурод, Музаффар, Қора амма, Робия, Раъно, Мунаввар каби ўнлаб образлар туради. Воқеалар силсиласини ҳаракатга келтирувчи фабула айнан уларнинг ҳаракат йўналиши, феъл-атвор чизгилари асосида шаклланади. Миллий қадриятларга йўғрилган турмуш тарзи ортида катта ғоя «юки» мавжуд. Тўғри асосга эга миллат тафаккури ва ўзлигини ҳеч қандай тазйиқ: на собиқ Иттифоқ даври салбий асоратлари, на иккинчи жаҳон уруши қийинчиликлари буза олмайди. Асарда турфа ёш, ҳар хил касб эгалари ҳаёти мукамал ёритилган. Айниқса, аёллар тимсоли ўзининг ёрқин ва ҳаётбахш моҳияти билан ажралиб туради. Учинчи бобнинг **“Нутқ типлари ва тил бадиияти”** фаслида адиб асарларида кенг истифода этилган нутқ типларидан ички монолог, диалог, полилог турлари ва ёзувчининг бадиий тили таҳлил этилади. Ўз-ўзидан аёнки, монологик тафаккур муаллиф услуби, шаклий изланишлар кўлами ва бадиий мазмун поэтикасини белгилаб берадиган муҳим омиллардан биридир. Унда экспрессив тасвир изчиллиги ва ҳиссий мушоҳада босими диалектик алоқадорлик касб этади ҳамда ижодкор ифода йўсинини шакллантиради. Жумладан, Ў.Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар» ва «Икки эшик ораси» романларини қиёсий-типологик ўрганиш, нутқ эгаси ҳамда муаллиф

²² Мамарасулова Г. “Икки эшик ораси” романининг композицион қурилиши ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2010. №5. – Б. 49.

тилидаги ҳаётӣлик, бадиӣлик омилларини аниқ кўрсатади. «Ҳозирги ўзбек адабиётида яратилаётган насрий асарларда қаҳрамонларнинг монологлари ички (овозсиз) ва ташқи (овозли), ҳажман катта ёки кичик бўлиши мумкин. Одатда қаҳрамонларнинг ички монологи асарда рўй бераётган ғоят кучли драматик ҳодисалар таъсирида мураккаб вазиятга тушиб қолган инсоннинг руҳий оламини чуқур таҳлил этишга ёрдам беради. Ташқи монолог эса асар воқеаларини ривожлантиришга, бўлиб ўтган, ёки, айтиб ўтаётган ҳодисага муносабатини белгилашга, атроф-муҳитни ва одамларни баҳолашга хизмат қилади»²³. Тўғри, ҳар бир бадиӣ асарда қўлланилган усул ижодий ниятнинг оригиналлиги ва тасвир шаклининг полифоник характерини белгилаб беради. Фикр ривожини шиддати, зиддиятларнинг ранг-баранглиги қаҳрамон характери ва ҳолатини уйғунлаштириш услубий тузилманинг хилма-хиллигини таъминлайди. Асосан монологик онг ифода йўсинини шакллантириб, воқеаларнинг мантиқини ривожлантирадиган эстетик таянч нуқтаси ҳисобланади.

Ў.Ҳошимов умумий ғояга боғланган воқеалар тизимини ривожлантирадиган манзара, ҳолат, тафсилотларнинг характерли жиҳатларини танлайди ҳамда ҳаётӣ материалга айлантиради. Шу тариқа бадиӣ онг ижоднинг эстетик марказ нуқталарини бирлаштиради. Муаллифнинг қатор роман, қисса ва ҳикояларида нутқий полифонизм ҳодисаси қуйидаги қирраларда намоён бўлади:

-нутқий малака жонли, ҳаётӣ робитани аниқлаштириб, реал муҳитни эстетик нуқтаи назардан баҳолашга ёрдам беради;

-нутқ туркумлари ва гуруҳланиши асар ижодий яхлитлигини таъминлайдиган муҳим омиллардан бири бўлиб, психологик зиддиятлар фалсафий умумлашмада аёнлашадиган «ғоявий юк»ни гавдалантиради;

-монолог ва диалоглар ҳаётнинг мазмунини ҳаётӣ шаклларда ифодалашнинг самарали воситасидир. Негаки, муаллиф талқини қаҳрамон баёнида соддаликка, табиӣликка, жонлилиikka эришади;

-нутқий материал характер моҳиятини изоҳлаш, муайян ғояни талқин этиш, онг, савия мураккаблашиши жараёнини тавсифлаш сингари вазифаларни бажаради;

-насрда полифонизм ҳодисаси кўп қатламлилиқ, тенг ҳуқуқлилиқ ҳамда овоз ранг-баранглигини билдиради.

Ў.Ҳошимов насрида она образининг бадиӣ эврилиши, тадрижи ва такомилли полифоник характердаги ички тизимни ташкил этади. Бинобарин, «Дунёнинг ишлари»да Пошша хола образи динамикасида ўзбек аёлларига хос ранг-баранг характерли чизиқлар кўзга ташланади. Ёзувчининг муваффақияти қатор қаҳрамонларга асос бўладиган белгиларни баъзан бир қиёфага сингдира олиши орқали намоён бўлади. «Икки эшик ораси» романида Қора амма, Холпош хола, Робия, Раъно, Башорат, Фотима, Зухра

²³ Солижонов Й. XX асрнинг 80-90 йиллари ўзбек насрида бадиӣ нутқ поэтикаси: Филол. фанлари доктори ... дисс. автореф. –Тошкент: 2002. – Б. 20-21.

каби касб-хунари, дунёқараши, ташқи кўриниши турлича бўлган аёллар тимсоли орқали умуман аёллар, ва хусусан ўзбек аёлларига хос бўлган фазилятларни тажассум этади.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Ў.Ҳошимов асарлари шакл ва мазмун жиҳатдан ранг-баранг. Адиб асарларида, айниқса, Она образининг бадиий талқини ўзига хослиги ва бадиий теранлиги билан ажралиб туради. Адиб ижодини ўрганиш натижасида Она сиймосининг асардан асарга, жанрдан жанрга, образдан образга томон мукаммаллашиб, бадиий талқини чуқурлашиб боришини кузатиш қуйидаги умумий назарий хулосаларга олиб келди:

1. Ў.Ҳошимов ижодида теран лиризм эпик сарҳадларнинг аниқ йўналишини белгилаши, айти пайтда ривоя усули руҳий таҳлилни максимал ифодага яқинлаштиради, умуминсоний ғоялар ва улар ифодасининг миллат сажиясидаги мезони лирик ифода ҳамда эпик кўламни белгилайди. Адиб асарлари таҳлилининг эстетик «юқумлилиги» ҳам айнан ифода ва тасвирда мувозанат-меъёрга қатъий риоя қилиш билан боғлиқ. Бу меъёр-муносабат ижодкор фитратидан давр умумлашмасига ўтишда зинапоя вазифасини бажаради;

2. Барча замонлар учун муштарак муаммолар талқини санъаткор қалб призмасида ўзига хос тарзда лиризм залвори ва эпик кўламдорлик билан уйғунлашиб бир-бирини изоҳлайди, тўлдиради, Ў.Ҳошимов асарларида муаллиф «мен»и шаклидаги эпик баён усули, ногаҳоний тарзда пайдо бўладиган кечинма мушоҳаданинг эркинлиги ва кенглигини таъминлайди. Кичик ва катта полотнодаги асарларида хотира-хаёл, монолог-муҳокама каби тасвирий восита усуллари она қиёфасини ёрқинроқ кўрсатишга хизмат қилади;

3. Ў.Ҳошимов асарларида характер ва миллийлик бир-бирига ўтиб туради. Тўғрироғи, мазкур икки тушунча ҳаётни поэтик тадқиқ этишнинг муҳим икки қирраси сифатида ўзаро изоҳланган, далилланган ҳамда тартибга солинган бадиийлик даражасини юзага келтиради, она тимсолининг хронологик такомил шаклланган эътиқод барқарорлиги, маънавий муҳит таъсири ва ахлоқий тамойиллар муштараклигини тасвир марказига кўтаради;

4. Ў.Ҳошимов асарларида бадиий макон ва замон жиҳатдан ўзбек миллатининг XX асрнинг 30-йилларидан то шу кунгача бўлган даврини ўз ичига олган, айнан замон тушунчаси унинг ижодида кенг масштабга эга – ўтмиш, бугун ва келажак орасидаги динамик ўзгаришларни қамраб олади. Тимсолнинг бадиий вақтга муносабати хотира, кундалик, монолог, диалог, нутқий-экспрессив воситалар ёрдамида бадиийлашади;

5. Адиб асарларида кузатиладиган индивидуал хусусиятлардан бири тарихий колоритнинг чекланганлигида намоён бўлади. Унга кўра, ижодкор аксар ҳолларда хронотоп ҳаракатланиш чизиқларини бадиийлаштиришга интилади, бу бир томондан, даврнинг тўлиқ манзараларини чизиш имконини берса, иккинчи томондан, ижодий ёндашув эркинлигини

сақлашга йўл очади. Мазкур ҳолатда сюжет тарихий аниқликни бирламчи ўринга олиб чиқмайди, аксинча, умуминсоний қадриятлар ҳамда ўзаро муносабат залвори етакчи мавқеъ касб этади;

6. Ёзувчи талқини марказида доимо она сиймоси туради. Мазкур характер асардан асарга теранлашиб, мураккаблашиб ҳамда мукаммаллашиб боради; она сиймоси жанрдан жанрга (публицистик мақоладан ҳикояга, қиссадан романга) томон, образдан образга томон қуюқлашиб боради. (Ҳабиба буви (“Дунёнинг ишлари”) – Отинойи (“Ўзбеклар”) - Лазакат хола (“Икки эшик ораси”) каби тадрижий бадиий эволюцияни кузатиш мумкин;

7. Тасвир усул ва воситаларининг ранг-баранглиги муаллиф қарашларининг мақсадга йўналтирилганлик ҳамда уюшиқ табиатига ҳалал бермайди, аксинча, узилган фикр-туйғулар доимий равишда ғоявий бутунликка интилади, бир-бирини тўлдирадиган, изоҳлайдиган ҳамда тартибга соладиган белгиларга айланади, асарларда ҳаракат қиладиган она характери ва унинг ривожига таъсир ўтказадиган ҳолат ифодаси аксар нукталарда ўзаро уйғунлашиб кетади. Адиб майда тафсилотларда ҳам аниқлик ва ёрқинликка эришишга интилади;

8. Адиб “Дунёнинг ишлари” қиссасида йигирмата ҳикоядан иборат асарларини яхлит Она образи атрофида уюштириб, қиссачиликда янгича композицион тузилишни намоиш этган бўлса, “Икки эшик ораси” романида 7 қисм, 47 бобда 100 га яқин қаҳрамонлар ҳаёти ва тақдирини чорраҳали сюжетли композицион бутунликка жойлаштиради;

9. Нутқни ифодалаш тарзи ва усуллари ёзувчи услуби ҳамда маҳорат уйғунлигини таъминлайди, ижодий манера характер тақомилининг муайян эврилишларда намоён бўлишини инкишоф этса, поэтик маҳорат тил сатҳларидан фойдаланиш даражаси билан ўлчанади, ижодкор фитрати баъзан қаҳрамон нутқига араллашиб бадиий синтезлашган фалсафий-ахлоқий умумлашмани кучайтиради, нутқий фаолият тафсилотни ранг-баранг миқёслардан ёритиш, баҳолаш ҳамда умумлаштириш воситасидир.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ:

1. Дуйсенбаев О. Ўткир Ҳошимов ижодида бадиий образ ва миллий анъаналар муносабати // СамДУ илмий тадқиқотлар ахборотномаси. – Самарқанд, 2005. - № 6. – Б. 64-67.

2. Дуйсенбаев О. Ўткир Ҳошимов ижодида характер эволюцияси ва психологизм // Филологик тадқиқотлар. Тўплам. Биринчи қисм. – Тошкент, Фан, 2006. – Б. 18-25.

3. Дуйсенбаев О. Инсон иродасининг бадиий талқини (Ўткир Ҳошимов ижоди мисолида) // Филологик тадқиқотлар. Тўплам. Биринчи қисм. – Тошкент, Фан, 2006. – Б. 85-90.

4. Дуйсенбаев О. Ўткир Ҳошимов асарларида характер драматизми // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2007. - № 3. – Б. 23-27.
5. Дуйсенбаев О. Ижодий тафаккурни шакллантиришда монологик онг функциялари // СамДУ илмий тадқиқотлар ахборотномаси. – Самарқанд, 2007. - № 6. – Б. 58-62.
6. Дуйсенбаев О. Руҳиятни шакллантиришда монологик нутқнинг ўрни // Ўзбек маросим фольклорини ўрганишнинг янгича тамойиллари. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Навоий, 2007. – Б. 161-163.
7. Дуйсенбаев О. Ахлоқий позицияни шакллантиришда лирик ибтидо ва эпик майдон уйғунлиги // Қорақалпоқ ДУ ахборотномаси. – Нукус, 2009. - № 3. – Б. 183-185.
8. Дуйсенбаев О. Ҳикояда тасвир руҳияти ва ифода мустақиллиги // Изланиш. Тўплам. – Тошкент, 2009. - № 5. – Б. 98-100.
9. Дуйсенбаев О. Ўткир Ҳошимов романларида миллий анъаналар талқини // Филологик тадқиқотлар. Тўплам. Иккинчи қисм. – Нукус, 2010. – Б. 57-60.
10. Дуйсенбаев О. Лирик ибтидо ва эпик майдон уйғунлиги // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2010. - № 4. – Б. 58-61.
11. Дуйсенбаев А. Художественная эволюция образа матери в прозе Уткира Хашимова // Филологические науки. Вопросы теории и практики. – Тамбов, 2011. - № 1. – С. 71-74.
12. Duysenbayev O. Otkir Haximov eserlerinde anne tipinin edebi tedrici. // Gьncel sanat. Kьltyr Sanat Edebeyat Dergisi – Antaliya, 2011. – Mart-Nisan. – S. 4-5.
13. Дуйсенбаев О. Она – меҳр демак // Қорақалпоқ адабиёти. – Нукус, 2011. - № 2. – Б. 5.

Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Дуйсенбаев Олимжон Исмаиловичнинг 10.01.01 – Ўзбек адабиёти ихтисослиги бўйича “Ўткир Ҳошимов ижодида она образи” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: она образи, характер, роман, бадиий тадриж, миллий анъана, лирик ифода, эпик кўлам, бадиий макон ва замон, эстетик талқин, услуб, адабий маҳорат, композицион бутунлик, нутқ типи, тил бадиияти, тасвир руҳияти.

Тадқиқот объекти: Ўткир Ҳошимов ижоди.

Ишнинг мақсади: Ўткир Ҳошимов асарларида она образининг бадиий тадрижини кузатиш, шунингдек, она характери яратишда ёзувчи услубига хос лирик ифода ва эпик кўлам, миллий анъана тасвири, адибнинг бадиий маҳоратини тадқиқ этиш ҳамда илмий умумлаштириш.

Тадқиқот методлари: Диссертацияда қиёсий-типологик ва тарихий-қиёсий усуллардан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Ў.Ҳошимов ижодида она образининг бадиий талқини биринчи марта монографик тарзда тадқиқ этилди; адиб ижодидаги миллий анъана ва қадриятлар, қаҳрамон дунёқараши миллий мезонлар асосида кузатилди; она образининг жанрдан жанрга, образдан образга томон такомиллашиб, бойиб борганлиги таҳлил этилди; бадиий макон ва замон нуқтаи назаридан XX асрнинг турли босқичларини қамраб олган адиб асарларидаги давр ва давр қаҳрамонлари, асосан, она образи билан узвий алоқада ўрганилди; ижодкорнинг ўзига хос услуби ва бадиий маҳорати масалалари очилди; халқ анъаналари ва миллат тарихи, изтироб ва қувончларининг акс этишидаги бадиийлик омиллари ва ёзувчининг ҳозирги ўзбек адабиётидаги ўрни илмий жиҳатдан асосланди.

Амалий аҳамияти: диссертация хулосалари ва олинган натижалар ўзбек адабиёти тарихини яратишда, адиб маҳорати муаммоларини ўрганишда, шу масалаларнинг олий таълим муассасалари талабалари томонидан ўзлаштирилишида, маънавият масалаларини тарғиб ва ташвиқ этишда амалий аҳамиятга эгадир.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқотнинг илмий хулоса ва натижалари юзасидан республикада бўлиб ўтган илмий амалий анжуманларда маърузалар қилинган. Ишнинг асосий мазмуни юзасидан илмий журналларда 13 та мақола нашр этилган.

Қўлланиш соҳаси: Тадқиқотдан келажакда Республика олий ўқув юртлари ва илмий муассасаларда шу йўналишда фойдаланиш назарда тутилади.

РЕЗЮМЕ

диссертации Дуйсенбаева Олимжона Исмаиловича на тему: «Образ матери в творчестве Уткура Хашимова» на соискание ученой степени кандидата филологических наук по специальности 10.01.01 – Узбекская литература

Ключевые слова: образ матери, характер, рассказ, повесть, роман, художественная эволюция, национальная традиция, лирическое изображение, эпический масштаб, эстетическая трактовка, стиль, литературное мастерство, композиционная целостность, тип речи, художественность языка, психология описания.

Объект исследования: творчество Уткура Хашимова

Цель работы: изучение художественной эволюции образа матери в произведениях У.Хашимова, а также, исследование и научное обобщение вопросов индивидуального художественного мастерства, лирического изображения и эпического размаха, отражения национальных традиций в созданий характера матери.

Методы исследования: в работе использован сравнительно-типологический и историко-сравнительные методы.

Полученные результаты и их новизна: впервые в монографическом плане исследована художественная трактовка образа матери в творчестве У.Хашимова; на основе национальных критериев освещены вопросы мировоззрения героя, отражения в творчестве писателя национальных ценностей и традиций; показана динамика образа матери, его совершенствование и обогащение от образа к образу, от жанра к жанру; в органической связи с образом матери изучена время, охватывающая разные периоды XX века, нашедшая свое отражение в произведениях автора и её герои; освещены проблемы индивидуального стиля и художественного мастерства писателя, изучены факторы художественности, способствовавшие глубокому и всестороннему изображению традиций народа, его историю, страданий и радостей.

Практическая значимость: заключения диссертации и полученные результаты имеют важную практическую значимость в создании истории узбекской литературы, в изучении проблемы мастерства писателя, в образовательном процессе в высших учебных заведениях и в духовно-нравственной пропаганде.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты и выводы диссертации отражены в докладах, прочитанных на республиканских научных конференциях и семинарах. Основное содержание работы изложено в 13 журнальных статьях.

Область применения: поможет в созданий учебников и научных пособий, монографий по литературоведению, узбекской литературе

RESUME

Thesis of Duisenbayev Olimdjon Ismailovich on the scientific degree competition of the Doctor of Philosophy in philological sciences, speciality 10.01.01 - Uzbek Literature on the subject: «The image of Mother in literary works of Utkur Khashimov»

Key words: image of Mother, character, short story, story, novel, artistic evolution, national tradition, lyrical depiction, epical scale, artistic time and space, aesthetical interpretation, style, literary skills, compositional integrity, type of speech, artistry of literary language, psychology of depiction.

Subject of the research: literary creative work of Utkur Khashimov.

Purpose of work: to study artistic evolution of the image of Mother in Khashimov's works, as well as to study and make scholarly generalization of individual literary skills of a writer, lyrical depiction and epic interpretation, depiction of national traditions in creation of the image of Mother.

Methods of research: comparative-typological and historical-comparative methods.

The results obtained and their novelty: This is the first monograph in domestic science having investigated the artistic interpretation of the image of Mother in literary creative work of U.Khashimov; moral and ethical principles and traditions, world outlook of a hero in creative literary work of an artist have been studied on the basis of national criteria; the perfection and enrichment of the image of Mother have been analyzed by the example of literary works specifying its gradual improvement from image to image, from genre to genre; there have explored from various aspects the characters of mothers, women who had become heroines of their time and the time covered the century-long period of the 20th century from the point of view of the artistic chronotop; the problems of the writer's artistic mastery and style originality have been identified; the place of the writer in Uzbek literature has been defined as well as his bright depiction of century-old traditions and national history, sorrows and joys presented in U.Khashimov's literary work.

Practical value: Conclusions of thesis and the obtained results have important practical significance in the history of the Uzbek literature, in studying the problem skills a writer, in the educational process in higher and moral education.

Degree of embed and economic effectivity: the dissertational results and conclusions were reported in presentations at scientific-theoretical seminars and conferences. The main content of the thesis has been published thirteen articles.

Field of application: dissertational materials and conclusions can be used in writing monographs, textbooks and educational books on Literary Studies and Uzbek Literature.